



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2025 yil « 18 » декабрь

ПФ–252 -son

Давлат аудити ва молиявий назорати фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Мамлакатимизда ислохотларни амалга ошириш учун йўналтирилаётган бюджет, давлат ташқи қарзи маблағларининг самарадорлиги ва ислохотларнинг натижадорлигини ошириш, давлат органлари ва ташкилотларнинг бюджет харажатлари назоратини янада кучайтириш учун соҳада илғор хорижий тажрибаларни қўллаш, рақамлаштириш кўламини кенгайтириш, давлат аудити ва молиявий назорати сифатини ошириш учун соҳада малакали кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар давлат аудити ва молиявий назорати фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

(а) халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибалар асосида мамлакатимиз манфаатларига уйғунлашган **миллий давлат аудити тизимини такомиллаштириш** ва **халқаро ҳамкорликни кенгайтириш;**

(б) давлат аудити ва молиявий назорати фаолиятини **рақамлаштириш** ҳамда **сунъий интеллект технологияларини** жорий этиш орқали қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш ва тизимли муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифларни тайёрлаш;

(в) давлат аудити йўналишида етук ва малакали кадрларни тайёрлаш.

II. Халқаро ҳамкорликни кенгайтириш

2. Ҳисоб палатаси фаолиятининг халқаро стандартларга мувофиқ сифати ва самарадорлигини ошириш, халқаро ташкилотлар билан алоқаларини мустаҳкамлаш орқали унинг халқаро миқёсдаги мавқеини юксалтириш мақсадида **2026 йил 1 январдан бошлаб ҳар 5 йилда камида бир маротаба** Ҳисоб палатаси фаолиятини **ташқи баҳолашдан ўтказиш** амалиёти жорий этилсин.

3. Белгилансинки:

(а) Ҳисоб палатаси фаолиятини **ташқи баҳолашдан ўтказиш**:

(i) **Олий аудит органларининг халқаро ташкилоти (INTOSAI)** ва бошқа **халқаро даражада тан олинган** ташкилотлар методологиялари асосида;

(ii) келишув доирасида халқаро ташкилотлар ёки хорижий давлатларнинг **олий аудит органлари** томонидан;

(iii) **мустақил баҳолаш** жараёнини ташкил этиш, фаолияти бўйича барча маълумотларни тақдим этиш (бундан давлат сири билан боғлиқ маълумотлар мустасно), натижаларини **жамоатчилик учун эълон қилиш** шартларида амалга оширилади;

(б) **ташқи баҳолашдан ўтказиш** натижалари асосида **Ҳисоб палатаси фаолиятини ўрта муддатда ривожлантириш стратегияси** қабул қилинади.

4. Халқаро молия институтлари **маблағларини жалб қилиш самарадорлигини** ошириш, **халқаро миқёсдаги** аудит жараёнларида иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида Ҳисоб палатасига:

(а) халқаро молия институтлари ҳамда хорижий ҳукумат молия ташкилотлари мурожаатлари (ташаббуслари) ва техник топшириқлари асосида **уларнинг маблағлари ҳисобидан мамлакатимизда амалга оширилаётган лойиҳаларнинг молиявий аудити**;

(б) халқаро ташкилотларнинг танловларида иштирок этиш ёки ўзаро келишувлар орқали уларнинг фаолияти, **лоийҳалари ва дастурлари аудити**;

(в) хорижий давлатларнинг олий аудит органлари ёки халқаро аудит ташкилотлари билан:

(i) ўзининг ваколатлари доирасидаги масалалар бўйича натижаларини алмашиш шarti билан алоҳида ўтказиладиган **параллел аудит**;

(ii) ягона дастур асосида ўзининг ваколатлари доирасидаги масалалар бўйича биргаликда ўтказиладиган ва ягона якуний ҳужжат қабул қилинадиган **қўшма аудит** ўтказиш амалиётини йўлга қўйишга рухсат этилсин.

III. Давлат аудити ва молиявий назорати фаолиятини рақамлаштириш

5. 2027 йил 1 январдан бошлаб ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари (кейинги ўринларда – ривожлантириш дастурлари)ни шакллантиришдан бошлаб, лойиҳаларни фойдаланишга топширишга қадар **барча жараёнлар тўлиқ рақамлаштирилган** ҳолда йўлга қўйилсин. Бунда:

(а) ривожлантириш дастурлари Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг **“Kapital qo‘yilmalar”** автоматлаштирилган ахборот тизимида электрон тарзда шакллантирилиши;

(б) Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳалар бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш **“Шаффоф қурилиш”** платформасида амалга оширилиши;

(в) буюртмачи ва пудратчилар ўртасида бажарилган ишлар бўйича **ҳисобварақ-фактураларни келишиш “Шаффоф қурилиш”** платформасида ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари (таклиф қилинган оферталар) асосида **“Kapital qo‘yilmalar”** автоматлаштирилган ахборот тизимида амалга оширилиши белгилансин.

6. 2026 йил 1 июлдан бошлаб:

(а) Автомобиль йўллари қўмитаси Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги билан биргаликда автомобиль йўллари қурилиш жараёнлари доирасида **космик тасвирлар** ва **дронлар ёрдамида** қурилиш ҳамда молиялаштириш ҳажмларини солиштириш асосида **мониторинг қилиш амалиётини** йўлга қўйсин;

(б) Ҳисоб палатаси мазкур жараёнларни **назорат** қилиб борсин.

7. Белгилансинки, 2026 йил 1 июндан бошлаб:

- (а) давлат ташқи қарзи маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг шакллантирилишидан бошлаб якуний натижага эришилгунига қадар барча босқичлари Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг “Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни назорат ва мониторинг қилиш” автоматлаштирилган ахборот тизимида юритилади;**
- (б) Ҳисоб палатаси томонидан “Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни назорат ва мониторинг қилиш” автоматлаштирилган ахборот тизими орқали амалга ошириладиган лойиҳалар устидан мониторинг ўрнатилади.**

8. Давлат аудити ва молиявий назорати фаолиятини такомиллаштириш, рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

IV. Давлат аудити ва молиявий назорати кўламини кенгайтириш ҳамда самарадорлигини ошириш

9. 2026 йил 1 апрелдан бошлаб 2030 йил 1 январга қадар эксперимент тариқасида давлат органлари ва ташкилотларида маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланиши устидан таъсирчан назоратни олиб боришининг қуйидаги тартиби жорий этилсин:

- (а) 2-иловага мувофиқ рўйхатда келтирилган давлат органлари ва ташкилотларида Ҳисоб палатасининг вакили сифатида бош инспектор фаолияти йўлга қўйилади;**
- (б) бош инспектор лавозимлари Ҳисоб палатасининг тузилмасида мазкур тартиб жорий этилаётган давлат органлари ва ташкилотларининг бир нафар бошқарув штат бирлигини қисқартириш ҳисобига шакллантирилади;**
- (в) бош инспектор 3-иловага мувофиқ вазифаларни давлат органлари ва ташкилотларида унинг иш юкламаларини инобатга олган ҳолда тасдиқланадиган назорат ишларининг йиллик дастури асосида амалга оширади ҳамда фақатгина Ҳисоб палатасига ҳисобдор бўлади;**

(г) бош инспектор фаолиятини баҳолаш Ҳисоб палатаси томонидан тасдиқланадиган **фаолият самарадорлиги кўрсаткичлари (KPI)** асосида амалга оширилади ва **у ҳар чорак якуни бўйича** Ҳисоб палатаси раиси ҳузурида ўз фаолияти юзасидан ҳисобот беради;

(д) бош инспектор фаолияти бўйича **доимий ҳисобот шакллари** Ҳисоб палатаси раиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

10. Бош инспекторлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга услубий кўмаклашиш мақсадида Ҳисоб палатаси тузилмасида **Давлат органлари ва ташкилотлари бюджетлари харажатларининг самарадорлигини назорат қилиш шўъбаси** ташкил этилсин.

11. Ҳисоб палатасига **атроф-муҳитни муҳофаза қилиш** ва **табиий ресурслардан фойдаланиш** соҳасида **давлат дастурлари, қонунчилик ва бошқарув** жараёнларининг **самарадорлиги, қонунийлиги** ҳамда **мақсадга мувофиқлигини** баҳолашни молиявий, мувофиқлик ва самарадорлик аудитлари доирасида ўтказишга рухсат этилсин.

V. Соҳада кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини жорий этиш

12. Иқтидорли ёшларни давлат аудити соҳасига мақсадли йўналтириш, соҳада таълим ва илмий-тадқиқот интеграциясини таъминлаш мақсадида **2026/2027 ўқув йилидан бошлаб** Тошкент давлат иқтисодиёт университетида **таълим йўналиши шаклида** ҳуқуқий мақоми олий таълим ташкилоти факультетига тенглаштирилган **Давлат аудити олий мактаби** ташкил этилсин.

13. Белгилансинки:

(а) давлат аудити таълим йўналишига қабул параметрлари амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибга мувофиқ **кадрлар буюртмачилари таклифлари асосида** шакллантирилади;

(б) давлат аудити таълим йўналишининг ўқув дастурлари дунёнинг нуфузли **Quacquarelli Symonds (QS)** ва **Times Higher Education (THE)** ташкилотлари рейтингларида соҳалар бўйича **биринчи 300** талик рўйхатдаги олий таълим ташкилотлари **тажрибаси асосида** ишлаб чиқилиб, Ҳисоб палатаси ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан **келишилган ҳолда** тасдиқланади.

14. Ҳисоб палатаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда **бир ой** муддатда **Давлат аудити соҳасида кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш бўйича биринчи навбатдаги чоратадбирлар дастурини** тасдиқласин.

15. Давлат органлари ва ташкилотларининг аудит хизматларига янги ишга қабул қилинган ходимлар учун **аниқ режа-графикка асосан** қўйидаги тартибда **икки ҳафталик** стажировка ўташ амалиёти жорий этилсин:

(а) давлат органлари ва ташкилотлар **аудит хизматларининг раҳбарлари** – Ҳисоб палатасида;

(б) давлат органлари ва ташкилотлар **аудит хизматларининг ходимлари** – Иқтисодиёт ва молия вазирлигида.

VI. Фармон ижросини ташкил қилиш, таъминлаш ва назорат

16. Ҳисоб палатаси Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда ушбу Фармоннинг мақсад, вазифалари, ундан кутилаётган натижаларни оммавий ахборот воситаларида ва Интернет тармоғида кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига **4-иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

18. Ҳисоб палатаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

- 19.** Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ҳисоб палатаси раисининг биринчи ўринбосари М.Р. Абдуллаев ҳамда Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров белгилансин.
- 20.** Фармон ижросини назорат қилиш ва ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси О.А. Хакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Давлат аудити ва молиявий назорати фаолиятини такомиллаштириш, рақамлаштириш
ва сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Ижро мuddати	Масъуллар
I. Давлат аудитига доир фаолиятни кенгайтириш ва такомиллаштириш					
1.	Ҳисоб палатасининг ривожланиш стратегиясини қабул қилиш.	<p>Ҳисоб палатасининг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. Бунда қуйидагиларни назарда тутиш:</p> <p>халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибалар асосида мамлакатимизда миллий давлат аудити асосларини шакллантириш ва йўналишларини белгилаш;</p> <p>Ҳисоб палатасининг фаолиятида стратегик бошқарувни, давлат аудитининг халқаро стандартлари ва сифат назоратини тўлиқ жорий қилиш;</p> <p>Ҳисоб палатаси фаолиятининг мустақиллиги, очиқлиги ва самарадорлигини ошириш.</p>	Идоравий ҳужжат	2026 йил август	Ҳисоб палатаси
2.	Ҳисоб палатаси фаолиятини ва бюджет соҳасини тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштириш.	<p>Қўйидагиларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш:</p> <p>назорат объектида, шу жумладан, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган ташкилотларда аудит тадбирини ўтказиш давомийлигининг энг кўп мuddатини Ҳисоб палатаси томонидан мустақил белгилаш;</p> <p>аудит тадбирларини ўтказиш жараёнларининг ҳар бир босқичини жамоатчилик учун очиқ бўлган шароитда Ҳисоб палатасининг веб-саҳифасида реал вақт режимида ёритиш;</p>	Қонун лойиҳаси	2026 йил апрель	Ҳисоб палатаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар

		<p>ҳар қандай давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан Ҳисоб палатасига назорат тадбирларини ўтказиш ва унинг ходимларини бундай тадбирларга жалб қилиш ҳамда бошқа мажбуриятларни юклаганга йўл қўймаслик.</p>			
3.	<p>“Kapital qo'yilmalar” avtomatlashtirilgan axborot tizimining avtomatlashtirilgan axborot tizimining takomillashtirish orqali ijtimoiy va ishlab chiqarish infratuzilmalarini rivojlantirishga qaratilgan dasturlar doirasidagi loyihalar ustidan nazorat urnatish b'ycha huquqiy asoslar yaratish.</p>	<p>“Kapital qo'yilmalar” avtomatlashtirilgan axborot tizimida loyihalarни электрон шакллантириш ҳамда бюрутмачи ва пудратчилар ўртасида бажарилган ишлар бўйича ҳисоб-фактураларни келишиш тартибини белгилаш.</p>	<p>Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси</p>	<p>2026 йил сентябрь</p>	<p>Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ҳисоб палатаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>
4.	<p>“Шаффоф қурилиш” платформасида қурилиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тўлиқ шакллантириш бўйича чораларни белгилаш.</p>	<p>1. “Шаффоф қурилиш” платформаси орқали қурилиш бўйича смета ҳужжатлари юзасидан қуйидагиларни амалга ошириш: Қурилиш материаллари миллий классификаторидаги материаллар учун деталлашган маҳсулотлар (товар ва хизматлар)нинг идентификация кодларини (кейинги ўринларда – МХИК) ҳамда давлат харидлари соҳасида фойдаланиладиган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг Ягона миллий классификатори кодларини очиш ва амалиётга жорий этиш; электрон ҳисоб-фактурани шакллантиришда деталлашган МХИК ҳамда давлат харидлари соҳасида фойдаланиладиган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг Ягона миллий классификатори кодларидан мажбурий фойдаланишни таъминлаш; умумий МХИК кодларидан фойдаланишни чеклаш. 2. “Шаффоф қурилиш” платформасида лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш модулини ишга тушириш ва ундан фойдаланиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш. График асосида барча ҳудудларда лойиҳачи ташкилотларга мазкур тизимдан фойдаланиш бўйича ўқув семинарларни ташкил этиш.</p>	<p>Ташкилий чора-тадбирлар</p>	<p>2026 йил июнь</p>	<p>Солиқ қўмитаси, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>
			<p>Идоравий ҳужжат</p>	<p>2026 йил сентябрь</p>	<p>Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>
			<p>Ташкилий чора-тадбирлар</p>	<p>2026 йил октябрдан</p>	

5.	<p>“Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни назорат ва мониторинг қилиш” автоматлаштирилган ахборот тизимини такомиллаштириш орқали халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳаларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш.</p>	<p>1. “Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни назорат ва мониторинг қилиш” автоматлаштирилган ахборот тизимида давлат ташқи қарзи маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини шакллантиришдан бошлаб яқуний натижага эришилгунига қадар, шу жумладан, лойиҳалар концепцияси ва лойиҳани баҳолаш ҳужжати (лойиҳанинг техник-иқтисодий асослари)ни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ҳамда яқунлаш жараёнларининг барча босқичларида мониторинг олиб бориш имкониятини яратиш ва ишга тушириш.</p> <p>Бунда тизимда лойиҳа ташаббускорларининг лойиҳаларни амалга оширишдаги самарадорлик кўрсаткичларини автоматик тарзда шакллантиришни назарда тутиш.</p> <p>2. Лойиҳа ташаббускорлари томонидан амалга оширилаётган лойиҳаларга тегишли барча маълумотларни “Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни назорат ва мониторинг қилиш” автоматлаштирилган ахборот тизимига киритиш.</p> <p>Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан лойиҳалар доирасида рақамли харид тартиб-қоидаларига ўтиш бўйича музокара ўтказиш, tender.mit.uz дастурини “Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни назорат ва мониторинг қилиш” автоматлаштирилган ахборот тизимига интеграция қилиш.</p> <p>3. “Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни назорат ва мониторинг қилиш” автоматлаштирилган ахборот тизими ҳамда tender.mit.uz дастурини Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириб бориш.</p>	Ташкилий чора-тадбирлар	Декабрга қадар 2025 йил декабрь	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Ҳисоб палатаси, Рақамли технологиялар вазирлиги
		<p>Амалий чора-тадбирлар</p>	2026 йил июндан бошлаб доимий	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар	
		<p>Амалий чора-тадбирлар</p>	2026 йилдан бошлаб ҳар йили	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги	

	<p>Бунда Давлат бюджети параметрларида ахборот тизимини ва электрон харид бўйича дастурни молиялаштириш учун зарур маблағларни кўзда тутиб бориш.</p> <p>4. Лойиҳа ташаббускорлари томонидан қўйидаги йўналишларда ишлар ташкил этилишини таъминлаш: яқунланган ҳар бир лойиҳа доирасидаги барча ҳужжатларни лойиҳани амалга ошириш гуруҳидан қабул қилиб, ўзида сақлаш; лойиҳаларнинг барча босқичлардаги маълумотлари, шу жумладан, лойиҳа концепцияси, лойиҳани баҳолаш ҳужжати, лойиҳа ҳужжатлари, харид ҳужжатлари, шартномалар, ҳисобварақ-фактура ва мониторинг натижалари “Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни назорат ва мониторинг қилиш” автоматлаштирилган ахборот тизимига киритиб бориш; умумий қиймати 5 млн АҚШ доллари ва ундан юқори бўлган лойиҳалар доирасида амалга ошириладиган қурилиш объектларида кузатув камералари ўрнатиш ва уларни ушбу ахборот тизимига улаш.</p>	Амалий чора-тадбирлар	Доимий	Лойиҳа ташаббускорлари
<p>6. Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга оид дастурлар бўйича лойиҳаларга ажратилган маблағлар сарфланишининг ошкоралигини таъминлаш.</p> <p>7. Ҳисоб палатасининг вакили сифатида жорий этилаётган бош инспектор фаолиятини самарали ташкил этиш ва улар учун шарт-шароитлар яратиш.</p>	<p>Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ахборот тизими орқали лойиҳа доирасида ажратилган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши жараёнида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш устидан назорат ўрнатиш.</p> <p>1. Бош инспектор учун алоҳида хона, офис жиҳозлари (компьютер, принтер ва алоқа жамламалари, мебель ва бошқа зарур жиҳоз ва ускуналар) ажратиш.</p> <p>Бунда давлат органлари ва ташкилотларнинг биринчи раҳбарлари бош инспектор фаолиятини ташкилий жиҳатдан йўлга қўйишга кўмаклашиш учун масъул ҳисобланади.</p>	Ташкилий чора-тадбирлар	Доимий	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
		Амалий чора-тадбирлар	Бир ой мuddатда	Давлат органлари ва ташкилотлари

	<p>2. Бош инспектор фаолиятини ташкил этиш ва унга Фармон билан юклатилган вазифалар доирасида берилган кўрсатмалар ўз вақтида ва сифатли ижро этилишини таъминлаш мақсадида давлат органлари ва ташкилотларнинг ички назорат тўзилмалари учун бажарилиши мажбурий бўлган ҳужжат қабул қилинишини таъминлаш.</p> <p>Бош инспектор фаолиятини ва унинг бўйсунувини ташкил этиш, мувофиқлаштириш, унга услубий жиҳатдан кўмаклашиш бўйича муносабатларни тартибга солиш.</p> <p>3. Бош инспектор фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини (КР)ни белгилаш.</p> <p>4. Бош инспектор лавозимини жорий этиш тартибини бошқа давлат органлари ва ташкилотларига татбиқ этиш юзасидан асосли таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиш.</p>	Идоравий ҳужжат	Икки ой муддатда	Ҳисоб палатаси Ҳисоб палатаси давлат органлари ва ташкилотлари
<p>8. Стратегик йирик давлат корхоналари фаолиятини таҳлил ва назорат қилиш орқали уларнинг самарадорлигини баҳолаш.</p>	<p>1. Келгуси йилдан бошлаб таҳлил қилинадиган стратегик йирик давлат корхоналари рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда тасдиқлаш.</p> <p>2. Стратегик йирик давлат корхоналарида жорий этиладиган ишлаб чиқариш, молиявий оқимлар, таннарх, инвестиция ва кредитлар тўғрисидаги маълумотларни онлайн таҳлил қилиш ҳамда бизнес-режа ижросини назорат қилиш имконини берувчи дастурий таъминотларнинг маълумотлар базаларини Ҳисоб палатасининг “Масофавий аудит” автоматлаштирилган ахборот тизими билан интеграция қилиш.</p> <p>Бунда стратегик йирик давлат корхоналари раҳбарлари қайд этилган дастурий таъминотларни мунтазам тўлиқ ишлашига ҳамда Ҳисоб палатаси маълумотлар базалари билан ўзаро интеграция қилиб, тегишли маълумотларни тақдим этишга шахсан масъул ва жавобгар ҳисобланади.</p>	Рўйхат Амалий чора-тадбирлар	Ҳар йили 1 февралга қадар 2026 йил 1 сентябрь	Ҳисоб палатаси Стратегик йирик давлат корхоналари “UzAssets” АЖ, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ҳисоб палатаси

	3. “Масофавий аудит” автоматлаштирилган ахборот тизимида стратегик йирик давлат корхоналарида бизнес-режа ижросини мониторинг қилувчи “Бизнес режа” модулини яратиш орқали назорат тизимини йўлга қўйиш.		2026 йил 1 октябрь	Ҳисоб палатаси, “UzAssets” АЖ, стратегик йирик давлат корхоналари
9.	Марказий банк фаолиятини таҳлил ва назорат қилиш орқали унинг самарадорлигини баҳолаш. 1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда ишчи гуруҳини тузиш. 2. Марказий банк фаолиятини таҳлил ва назорат қилиш жараёнларини ташкил этиш ва баҳолашдан ўтказиш.	Ташкилий чора- тадбирлар	2026 йил январь	Ҳисоб палатаси
10.	Давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, устав фондида (устав капиталида) давлат иштироки улуши 50 фоиз ва ундан ортқ бўлган ташкилотлардаги аудит ташкилотлардаги аудит хизматлари фаолиятини такомиллаштириш.	Таҳлилий ахборот	2026 йил июль	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Ҳисоб палатаси, Ўзбекистон аудиторлар палатаси
II. Давлат аудити соҳасини рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологияларини жорий этиш				
11.	Сунъий интеллект ва рақамли трансформация қилиш гуруҳининг фаолиятини самарали ташкил этиш. Гуруҳ фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш. Бунда: 1) гуруҳ раҳбари ҳамда ходимлари мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий хизмат ва транспорт таъминоти шароитлари бўйича Ҳисоб палатасининг шўба муdiri ва тегишли ходимларига тенглаштирилишини белгилаш; 2) Сунъий интеллект ва рақамли трансформация қилиш гуруҳи ташкил этилсин ва унинг асосий вазифалари этиб қуйидагиларни белгилаш: катта ҳажмли маълумотлар (Big Data)ни қайта ишлаш орқали мониторинг ва назорат тизимларини жорий этиш ҳамда рақамлаштириш; Ҳисоб палатаси фаолиятида рақамли технологиялар ва сунъий интеллект технологияларини самарали қўллашни кенгайтириш;	Идоравий ҳужжат	2026 йил январь	Ҳисоб палатаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар

		Ҳисоб палатасининг ахборот тизимларида киберхавфсизликни таъминлаш, киберҳужумларга қарши чораларни кучайтириш.				Ҳисоб палатаси, Рақамли технологиялар вазирлиги
12.	Ҳисоб палатасининг аудити жараёнига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш имкониятини яратиш.	Аудит жараёнига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича стандартлар ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2027 йил июнь		Ҳисоб палатаси, Рақамли технологиялар вазирлиги
13.	Давлат мулкани, шунингдек давлат иштирокидаги корхоналарнинг мулкани хусусийлаштириш (улушни сотиш) ва давлат мулкани ижарага бериш жараёнларини рақамлаштириш.	1. Давлат мулкани, шунингдек, давлат иштирокидаги корхоналарнинг мулкани хусусийлаштириш (улушни сотиш) дастурини ишлаб чиқиш, ҳужжатларни тайёрлаш, баҳолашдан ўтказиш, бошланғич нархини белгилаш, хусусийлаштириш усулларини танлаш, сотувга чиқариш, тушумлар тақсими ва бошқа жараёнларни рақамлаштириш бўйича электрон платформани ишга тушириш. Давлат мулкани ижарага беришдан тушган тушумлар тақсими атоматлаштириш. 2. Шартнома шартлари ёки қўшимча шартлар бажарилиши доирасида ўтказилган аукцион савдолари бўйича шартнома тузилгандан сўнг ернинг эгаси ёки ижарачиси томонидан шартлари бажарилишини кузатиб бориш механизминини жорий қилиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026 йил май 2026 йил январь 2026 йил январь		Давлат активларини бошқариш агентлиги, Ҳисоб палатаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги
14.	Маҳаллий бюджет маблағларига доир маҳаллий кенгашлар ва ҳокимликлар қарорлари қабул қилиниши ва уларга киритилаётган ўзгаришлар бўйича ахборот алмашинуви тизимини йўлга қўйиш.	1. Қўшимча манбалар ҳисобидан манбасиз харажатларни олдини олиш учун “E-Kengash” ва “E-Qaog” дастурларини “Давлат молиясини бошқариш” ахборот тизими билан ўзаро интеграция қилиш орқали қарор қабул қилиш ва маблағ ажратиш жараёнларини рақамлаштириш. 2. Маҳаллий бюджет харажатларининг бюджет таснифига мувофиқ 4-гурӯх харажатларни “Давлат молиясини бошқариш” ахборот тизимини “E-Kengash” ва “E-Qaog” дастурларига интеграция қилиш орқали тегишли қарор қабул қилингандан сўнг харажатлар ёйилмасига ўзгартришлар киритиш амалиётини жорий қилиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026 йил июль 2026 йил октябрь		Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Ҳисоб палатаси

15.	<p>Хўдудларда рақамли бошқарувни ташкил этишнинг ўстириш жамловчи йўналишларини ўзида жамловчи "Raqamli hokimiyat" дастурий комплексини яратиш.</p>	<p>Бухоро вилоятида эксперимент тариқасида "Raqamli hokimiyat" дастурий комплексини жорий қилиш.</p> <p>Натижаси асосида ушбу дастурий комплексни босқичма-босқич бошқа хўдудларда жорий этиш.</p>	<p>Ташкилий чора-тадбирлар Режа-график асосида</p>	<p>2026 йил июль</p> <p>2027 йил июнь</p>	<p>Бухоро вилоят ҳокимлиги, Ҳисоб палатаси, Рақамли технологиялар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>
16.	<p>Катта ҳажмли маълумотлар ("Big Data") ва сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш орқали "Масофавий аудит" автоматлаштирилган ахборот тизимида янги хавф-тахдир механизмлари ҳамда мониторингини жорий қилиш.</p>	<p>1. "Масофавий аудит" автоматлаштирилган ахборот тизимида янги хавф-тахдир механизмларини рақамлаштириш орқали давлат улуши мавжуд банкларнинг молиявий ҳолатини мониторинг қилиб бориш модулларини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Қишлоқ хўжалиги ерларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, маҳсулотларини етиштириш, солиқ солиш (ер ва мол-мулк) базасини таҳлил қилиш имкониятини яратиш.</p>	<p>Техник топшириқ</p>	<p>2026 йил декабрь</p>	<p>Ҳисоб палатаси, Солиқ қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Кадастр агентлиги, "Ўзбеккосмос" агентлиги, Ҳисоб палатаси, Марказий банк, Рақамли технологиялар вазирлиги, Давлат улуши мавжуд тижорат банклари</p>
17.	<p>Давлат харидларида харид қилишнинг айрим тартиб-таомилларини рақамлаштириш.</p>	<p>Давлат харидларининг электрон тизимларида энг яхши таклифларни танлаб олиш, тендер савдолари бўйича харид қилиш ҳужжатларини (техник топшириқларни босқичма-босқич) мажбурий тартибда электрон шаклда тайёрлаш ва тасдиқлаш имкониятини назарда тутувчи алоҳида модул жорий қилиш.</p>	<p>Техник топшириқ</p>	<p>2026 йил март</p>	<p>Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Рақобат қўмитаси, Ҳисоб палатаси</p>

<p>18. Бюджет ташкилотлари истёъмол қилган электр ва газ харажатларни тегишли ахборот тизимларидаги маълумотлар асосида тўлаш.</p>	<p>1. Бюджет ташкилотларининг барча электр энергияси ва табиий газ ҳисоблагичларини замонавийсига алмаштириб, уларни “Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими” ҳамда “Табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизими” билан интеграция қилиш.</p> <p>Бунда ушбу ҳисоблагичларни харид қилиш ва ўрнатиш харажатларини тегишлилиги бўйича “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ, “Миллий электр тармоқлари” АЖ, “Ўзэнергосотиш” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, “Ўзэнергосотиш” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, “Ҳудудгазтаъминот” АЖ маблағлари ҳисобидан амалга ошириш.</p> <p>2. “Uzasbo-2” дастурий мажмуасини “Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими” ҳамда “Табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизими” билан ўзаро интеграциясини йўлга қўйиш.</p> <p>Бюджет ташкилотларининг электр энергияси ва табиий газ харажатларини “Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими” ҳамда “Табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизими”даги электрон ҳисоблагичларнинг кўрсаткичлари асосида ҳисоб-китобларни амалга ошириш тизимини йўлга қўйиш.</p>	<p>Амалий чора-тадбирлар</p>	<p>2026 йил июнь</p>	<p>Энергетика вазирлиги, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ, “Миллий электр тармоқлари” АЖ, “Ўзэнергосотиш” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, “Ҳудудгазтаъминот” АЖ, Ўзэнергоинспекция,</p> <p>Ҳисоб палатаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Энергетика вазирлиги, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ, “Миллий электр тармоқлари” АЖ, “Ўзэнергосотиш” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, “Ҳудудгазтаъминот” АЖ, Ўзэнергоинспекция, Ҳисоб палатаси</p>
<p>19. “Давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари (ресурслари) ягона реестри”нинг платформасини яратиш.</p>	<p>1. Давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортқ давлат улуши бўлган ташкилотларда (давлат сири билан боғлиқ ва муҳим ахборот инфратузилма объектлари бундан мустасно) ишга тушириладиган (туширилган) ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини жорий этишдан ишга туширишгача бўлган барча жараёнларни ўзида мўжассам этган “Давлат органлари ва ташкилотларининг</p>	<p>Амалий чора-тадбирлар</p>	<p>2026 йил июнь</p>	<p>Рақамли технологиялар вазирлиги, Ҳисоб палатаси, “Киберхавфсизлик маркази” ДУК, Марказий банк, Адлия вазирлиги,</p>

		<p>ахборот тизимлари (ресурслари) ягона реестри”нинг ҳимояланган платформасини ишга тушириш.</p> <p>Бунда платформада барча ҳужжатларни жойлаштириш ҳамда ундан рўйхатдан ўтмаган ахборот тизимлари ҳамда маълумотлар базаларидан фойдаланишга йўл қўйилмаслик чорасини кўриш.</p> <p>2. Платформани ахборот ва киберхавфсизлик талабларига мувофиқ экспертизадан ўтказиш.</p>			Ички ишлар вазирлиги
<p>20.</p>	<p>Давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши бўлган ташкилотлардаги маълумотларини сақлаш ва қайта ишлаш учун сервер қурилмалари ва ускуналарининг техник кўрсаткичлари ҳисобини рақамлаштириш.</p>	<p>1. Маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш учун сервер қурилмаларини харид қилиш, рухсат бериш бўйича барча жараёнлар ҳамда харид қилинган қурилмалар ҳисобини юритиш юзасидан ахборот тизимини жорий этиш.</p> <p>Ахборот тизимларига ҳужумлар ҳамда таҳдидларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш бўйича автоматлаштирилган тизимларни, шунингдек, алоқа каналлари орқали махфий ахборот тарқалишидан ҳимоя қиладиган техник воситалар ҳамда дастурий маҳсулотларни харид қилиш, ишлаб чиқиш, жорий қилиш ва рухсат бериш бўйича барча жараёнлар ҳамда харид қилинган тизимлар ҳисобини юритиш юзасидан ахборот тизимини яратиш.</p> <p>Бунда мазкур тизимлардан фойдаланиш ҳимояланган тармоқ орқали амалга оширилишини йўлга қўйиш.</p> <p>2. Давлат органлари ва ташкилотлари маълумотлар базаларини тадбиркорлик субъектлари серверларида сақланишини тақиқлаш (киберхавфсизликни таъминлаш бўйича ваколатли орган хулосалари бўйича рухсатлар бундан мустасно).</p>	<p>Рақамли технологиялар арни ривожлантириш</p> <p>Рақамли жамғармаси</p> <p>Давлат бюджетини, махсус жамғарма</p>	<p>2026 йил февраль</p> <p>2026 йил февраль</p>	<p>Рақамли технологиялар вазирлиги</p> <p>“Киберхавфсизлик маркази” ДУК</p>
		<p>Амалий чора-тадбирлар</p>	<p>2026 йил январь</p>		<p>Рақамли технологиялар вазирлиги,</p> <p>“Киберхавфсизлик маркази” ДУК,</p> <p>Марказий банк,</p> <p>Ички ишлар вазирлиги,</p> <p>Персоналлаштириш маркази</p>

		3. Давлат органлари ва ташкилотлари маълумотлар базаларининг захира нусхаларини “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази”га жойлаштириш. Бунда серверларни ижарага бериш бўйича хизмат кўрсатиш нархларини мақбуллаштиришни назарда тутган ҳолда қайта кўриб чиқиш.	Амалий чора-тадбирлар	2026 йил март	Рақамли технологиялар вазирилиги, Иқтисодиёт ва молия вазирилиги
21.	Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган пуллик хизматлар ва реализация қилинаётган товар ҳамда моддий бойликлар ҳисобини рақамлаштириш.	<p>1. Давлат органлари ва ташкилотларининг товарлар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар реализацияси бўйича ҳисобварақ-фактураларни “Uzasbo-2” дастурий мажмуасида шакллантириб, солиқ органларига юборилишининг электрон тизимини яратиш.</p> <p>2. Бюджет ташкилотлари томонидан асосий воситаларни хатлов рақамлари билан ҳисобини, қурилиш-монтаж ишлари учун пудратчиларга берилган товарлар ҳисобини ҳар бир товар кесимида “Uzasbo-2” дастурий мажмуасида юритишни жорий қилиш.</p>	Амалий чора-тадбирлар	2026 йил апрель	Иқтисодиёт ва молия вазирилиги, Солиқ қўмитаси, Ҳисоб палатаси
22.	Бюджет ташкилотлари томонидан ишчи-ҳодимларга ҳисобланган иш ҳақи тўловлари бўйича солиқ ҳисоботида автоматик шаклланишини рақамлаштириш.	“Uzasbo-2” дастурий мажмуасида ҳар бир ходимга тайинланган иш ҳақи ва бошқа тўловлар ҳамда ундан ҳисобланган солиқ тўловлари (имтиёз)ни ҳисобот оёи учун тақдим қилинадиган “Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ ҳисобот”ларини солиқ органларига инсон омилсиз автоматик юборилишини йўлга қўйиш.	Амалий чора-тадбирлар	2026 йил апрель	Иқтисодиёт ва молия вазирилиги, Солиқ қўмитаси, Ҳисоб палатаси
23.	Давлат манфаатига етказилган зарарлар бўйича бюджет ташкилотининг маҳсус ҳисоб рақамларига ундирилган ёки сақланаётган товар-моддий бойликларни хатловдан ўтказиб, умумий ҳисоб-китоби олиб борилишини рақамлаштириш.	<p>1. “Uzasbo-2” дастурий мажмуасида мусодара қилинган товар-моддий бойликлар ҳисобини олиб бориш учун янги модулни ишга тушириш.</p> <p>2. Давлат манфаатига етказилган зарарлар бўйича ундирилган маблағларни фақатгина ёзначиликнинг ҳисоб рақамларида юритишни жорий қилиш.</p>	Амалий чора-тадбирлар	2026 йил июнь	Иқтисодиёт ва молия вазирилиги, ёзначилик қўмитаси, Ҳисоб палатаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Божхона қўмитаси, Солиқ қўмитаси, Мажбурий ижро бюроси

24.	Қурилиш ташкилотлари томонидан қурилаётган турар ва нотурар объектлар бўйича яқуний лойиҳалар тасдиқлангандан сўнг хонадон, савдо ёки хизмат кўрсатиш шохобчалари сони, майдон ўлчамлари ҳамда уларнинг 1 м ² нархлари бўйича маълумотлар жойлаштирилишини рақамлаштириш.	Қурилиш соҳасини шаффофлаштириш, инвестор ва аҳоли учун очиқ маълумотлар базасини яратиш ва назоратни автоматлаштириш орқали нархлар таҳлили, қурилиш ривожини башорат қилиш ҳамда яширин иқтисодиётнинг олдини олишга қаратилган ахборот платформасини яратиш.	Амалий чора-тадбирлар	2027 йил февраль	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Ҳисоб палатаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар
25.	Сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда “Масофавий аудит” автоматлаштирилган ахборот тизимида “Аудиторга кўмаклашиш” модулини ишлаб чиқиш.	<p>1. “Масофавий аудит” автоматлаштирилган ахборот тизими билан Lex.uz тизимини интеграция қилиш, тегишли техник, ҳуқуқий ҳамда ташкилий чора-тадбирларни жорий этиш.</p> <p>2. Миллий қонунчиликка сунъий интеллект технологияларини қўллаш орқали интерактив савол-жавоб функциясини яратиш ва услубийтини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Сунъий интеллектта машинали ўқитиш орқали Ҳисоб палатасининг аудит стандартларини ўргатиш. Аудиторлар учун қарор қабул қилишга ёрдамлашувчи -тушунувчи “Сунъий интеллект ассистент” ни яратиш.</p>	Амалий чора-тадбирлар	2026 йил март	Адлия вазирлиги, Ҳисоб палатаси, Рақамли технологиялар вазирлиги Ҳисоб палатаси, Рақамли технологиялар вазирлиги, Ҳисоб палатаси, Рақамли технологиялар вазирлиги, Адлия вазирлиги
26.	Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 22 та вазирлик ва идораларнинг бюджет маблағларини мониторинг қилиш учун мўлжалланган “Мониторинг портал” ахборот тизимини барча вазирлик, идора ва маҳаллий ҳокимликларга фойдаланиш имкониятини яратиш.	Барча вазирлик, идора ва маҳаллий ҳокимликларга фойдаланиш имкониятини яратиш мақсадида “Мониторинг портал” ахборот тизимининг янги версиясини ишлаб чиқиш.	Амалий чора-тадбирлар	2026 йил февраль	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, “Ахборот технологиялари маркази” ДУК, Ҳисоб палатаси,

		Бунда рақамлаштириш ва техник қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ харажатларни Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланишини таъминлаш.			манфаатдор вазирлик ва идоралар
III. Халқаро аудит органлари билан ҳамкорликни кенгайтириш					
27.	Хорижий давлатлар олий аудит органлари билан қўшма аудитларда иштирок этиш амалиётини йўлга қўйиш.	Хорижий давлатлар олий аудит органлари билан қўшма аудитни ташкил этиш юзасидан музокаралар ўтказиш. Бунда синов-тажриба лойиҳаси тарзида Хитой ва Туркия олий аудит органлари билан ҳамкорликда аудит тадбирларини амалга оширишни кўзда тутиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026 йил май	Ҳисоб палатаси, Ташқи ишлар вазирлиги
28.	Халқаро ташкилотлар танловларида иштирок этиш ёки ўзаро келишувлар орқали уларнинг фаолияти, лойиҳалари ва дастурлари аудитида қатнашиш.	1. Халқаро ташкилотлар танловларида иштирок этиш ёки ўзаро келишувлар орқали уларнинг фаолияти, лойиҳалари ва дастурлари аудитида қатнашиш учун музокаралар ўтказиш. 2. Тендерларда иштирок этиш бўйича мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳини тузиш ва унинг вазифаларини белгилаш.	Ташкилий чора-тадбирлар Идоравий ҳужжат	Доимий 2026 йил январь	Ҳисоб палатаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Ҳисоб палатаси
